



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 19 » fevral

№ 84

Toshkent sh.

Ёғочсозлик саноати хомашё базасини мустаҳкамлаш ва соҳани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республикада ёғоч ва ёғочсозлик саноати хомашё базасини мустаҳкамлаш, мебель саноатида ёғоч маҳсулотлари хомашёсига бўлган эҳтиёжни қондириш, уларни импорт қилиш ҳажмини камайтириш, шунингдек, мебель ва ёғочсозлик саноатини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг республикада ёғочсозлик соҳасининг хомашё базасини мустаҳкамлаш, мебель саноатининг барча йўналишларини ривожлантириш ва шу орқали ёғоч импорти ҳажмини камайтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

Ёғочсозлик саноати хомашё базасини мустаҳкамлаш ва соҳани янада ривожлантириш чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

2021-2022 йилларда республика ҳудудларида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган жами **3 173** гектар захирадаги ерларда ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа мебелбоп дарахт турларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

2021-2022 йилларда ўрмон фондининг жами **1 327** гектар тоғолди ва адир ерларида ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа мебелбоп дарахт турларини экишнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

2021-2022 йилларда республика ҳудудларида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган захирадаги ерларда ва ўрмон фонди ерларида ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа мебелбоп дарахтлар плантацияларини ташкил этиш учун талаб этиладиган жами **2 783,6** минг дона кўчатдан иборат экиш материаллари тақсимоти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

а) 2021 йил 10 мартдан бошлаб ўрмон хўжаликлари ва кўчат етказиб берувчи бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан мебель саноатида ёғоч хомашёси сифатида фойдаланиладиган павловния, ёнғоқ, чинор, шумтол,

қайрағоч ҳамда бошқа дарахтлар плантацияларини ташкил этувчи барча юридик ва жисмоний шахсларга зарур кўчат экиш материаллари белгиланган тартибда шартнома асосида етказиб берилишини таъминласин;

б) Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси билан биргаликда 2021 йил 20 мартга қадар:

мебель ва ёғочсозлик саноати ташкилотларининг ёғоч хомашёсига бўлган ўртача йиллик талабини ўрганиб чиқиб, соҳада импорт улушини камайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритсин;

мебель саноатида ёғоч хомашёси сифатида павловния, ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ва бошқа дарахтлар турларини ишлатиш имкониятларини хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда ҳамда ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотни етиштириш муддати ва ҳажмларидан келиб чиқиб, таҳлиллар асосида ишлаб чиқарувчилар рўйхати, талаб этиладиган ёғоч хомашёси ҳажми, мос равишда ажратиладиган ер майдонлари бўйича рўйхатни шакллантирсин;

в) павловния ва бошқа дарахтлар плантацияларини яратиш, ундан мебель ва ёғочсозлик саноатида ёғоч хомашёси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига белгиланган тартибда таклифларни тақдим этсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Республикада тез ўсувчи ва саноатбон павловния дарахти плантацияларини барпо қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 августдаги 520-сон қарорининг 1-бандига мувофиқ республика бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метрдан пастда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида павловния плантацияларини ташкил қилиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда кластер шаклида павловния ва бошқа дарахтлар плантацияларини ташкил этиш учун мебель ва ёғочсозлик саноати ташкилотларига захирадаги ва фойдаланишдан чиққан ерлардан белгиланган тартибда камида 50 гектардан ажратиш чораларини кўрсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ҳамда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 19” феврал даги 84-сон қарорига
1-илова

**Ёғочсозлик саноати хомашё базасини мустаҳкамлаш ва соҳани янада ривожлантириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъуллар
1	Ўрмон хўжаликлари ва кўчат етказиб берувчи бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан мебель саноатида ёғоч хомашёси сифатида фойдаланиладиган павловния, ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа дарахтлар плантацияларини ташкил этувчи барча юридик ва жисмоний шахсларга зарур кўчат экиш материаллари белгиланган тартибда шартнома асосида етказиб берилишини таъминлаш.	2021 йил 10 мартдан бошлаб	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
2	Мебель ва ёғочсозлик саноати ташкилотларининг ёғоч хомашёсига бўлган ўртача йиллик талабини ўрганиб чиқиб, соҳада импорт улушини камайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритиш.	2021 йил 20 март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси
3	Мебель саноатида ёғоч хомашёси сифатида павловния, ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ва бошқа дарахтлар турларини ишлатиш имкониятларини хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда ҳамда ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотни етиштириш муддати ва ҳажмларидан келиб чиқиб, таҳлиллар асосида ишлаб чиқарувчилар рўйхати, талаб этиладиган ёғоч хомашёси ҳажми, мос равишда ажратиладиган ер майдонлари бўйича рўйхатни шакллантириш.	2021 йил 20 март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъуллар
4	Павловния ва бошқа дарахтлар плантацияларини яратиш, ундан мебель ва ёғочсозлик саноатида ёғоч хомашёси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳалар танловини эълон қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига белгиланган тартибда таклифларни тақдим этиш.	2021 йил 20 март	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги
5	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси билан биргаликда кластер шаклида павловния ва бошқа дарахтлар плантацияларини ташкил этиш учун мебель ва ёғочсозлик саноати ташкилотларига захирадаги ва фойдаланишдан чиққан ерлардан белгиланган тартибда камида 50 гектардан ажратиш.	2021 йил 25 март	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси
6	Павловния ва бошқа дарахтлар плантациялари ташкил этилган ҳудудларни хатловдан ўтказиш ва электрон хариталарга жойлаштириш.	2021-2024 йиллар ҳар йили декабрь	“Ўздаверлойиҳа” институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари
7	Мебель саноатида ёғоч хомашёси сифатида павловния дарахт турини ишлатиш имкониятларини илмий асосда ўрганиб чиқиш, илмий тавсиялар бериш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш.	2021 йил июнь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси
8	Павловния ва бошқа дарахтлар кўчатларининг мувофиқлик сертификатлари ва нав гувоҳномаларини ишлаб чиқиш ҳамда сотиш тизимини йўлга қўйиш.	2021 йил декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъуллар
9	Ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида 2021–2024 йилларда жами 860 гектар, жумладан, 2021 йилда 168 гектар, 2022 йилда 210 гектар, 2023 йилда 223 гектар ва 2024 йилда 259 гектар павловния ва бошқа дарахтлар плантацияларини ташкил этиш ҳамда бунинг учун жами талаб этиладиган 747,5 минг дона кўчат етиштириш.	2021-2024 йиллар давомида	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси
10	Республика бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, фойдаланилмаётган захира ерларда 2021–2024 йилларда жами 4000 минг гектар, шундан 2021 йилда 595 гектар, 2022 йилда 870 гектар, 2023 йилда 1180 гектар ва 2024 йилда 1355 гектар павловния ва бошқа дарахтлар плантацияларини ташкил этиш ҳамда бунинг учун жами талаб этиладиган 2 млн 990 минг дона кўчат етиштириш.	2021-2024 йиллар давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси
11	Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган захирадаги ерларда 2021-2022 йилларда жами 3173 гектар майдонда ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч каби мебелбоп дарахт турларини экиш ва бунинг учун 2,0 млн дона кўчат етиштириш.	2021-2022 йиллар баҳор ва куз мавсумларида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
12	Ўрмон фондининг тоғолди ва адирлик ерларида 2021-2022 йилларда жами 1327 гектар майдонда ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч каби мебелбоп дарахт турларини экиш ва бунинг учун 783,6 минг дона кўчат етиштириш.	2021-2022 йиллар баҳор ва куз мавсумларида	Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъуллар
13	Ёғочсозлик ва мебель саноатида ёғоч хомашёси сифатида фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Лойиҳалар танлови эълон қилинган муддатларда	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Мебель ва ёғочсозлик саноати уюшмаси
14	Шакллантирилган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда келгусида ташкил этиладиган павловния, ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч плантациялари ҳисобидан талаб этиладиган ёғоч хомашёсини етказиб бериш.	Эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Мебел ва ёғочсозлик саноати уюшмаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” феврал даги 84-сон қарорига
2-илова

2021-2022 йилларда республика ҳудудларида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган захирадаги ерларда ёнғоқ,
чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа меҳелбоп дарахт турларини экишнинг

ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

гектарда

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами	шундан							
			Ёнғоқ		Чинор		Шумтол		Қайрағоч	
			2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	169					40	50	35	44
2	Андижон вилояти	225	40	50	20	25	20	25	20	25
3	Бухоро вилояти	180					30	38	50	63
4	Жиззах вилояти	293	60	75	20	25	20	25	30	38
5	Қашқадарё вилояти	529	150	188	25	31	25	31	35	44
6	Навоий вилояти	124			15	19	20	25	20	25
7	Наманган вилояти	259	50	63	30	38	15	19	20	25
8	Самарқанд вилояти	293	70	88	15	19	20	25	25	31
9	Сурхондарё вилояти	214	30	38	20	25	20	25	25	31
10	Сирдарё вилояти	135			10	13	25	31	25	31
11	Тошкент вилояти	484	150	188	15	19	30	38	20	25
12	Фарғона вилояти	214	40	50	20	25	20	25	15	19
13	Хоразм вилояти	56					15	19	10	13
Жами		3173	590	738	190	238	300	375	330	413

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” февралдаги 84-сон қарорига
3-илова

2021-2022 йилларда ўрмон фондининг тоғолди ва адир ерларида ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа мебелбоп дарахт турларини экишнинг ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

гектарда

Т/р	Худудлар номи	Жами	шундан							
			Ёнғоқ		Чинор		Шумтол		Қайрағоч	
			2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил	2021 йил	2022 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	62					10	12	18	22
2	Андижон вилояти	46	10	12	3	4	5	6	3	4
3	Бухоро вилояти	112					15	18	36	43
4	Жиззах вилояти	108	30	36	4	5	10	12	5	6
5	Қашқадарё вилояти	279	100	120	5	6	12	14	10	12
6	Навоий вилояти	31			3	4	6	7	5	6
7	Наманган вилояти	73	15	18	6	7	6	7	6	7
8	Самарқанд вилояти	152	45	54	8	10	8	10	8	10
9	Сурхондарё вилояти	73	10	12	5	6	8	10	10	12
10	Сирдарё вилояти	44			5	6	10	12	5	6
11	Тошкент вилояти	277	100	120	8	10	10	12	8	10
12	Фарғона вилояти	55	12	14	6	7	5	6	2	2
13	Хоразм вилояти	15					5	6	2	2
Жами:		1327	322	386	53	64	110	132	118	142

2021-2022 йилларда республика хуудларида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган захирадаги ерларда ва ўрмон фонди ерларида ёнғоқ, чинор, шумтол, қайрағоч ҳамда бошқа меҳелбоп дарахтлар плантацияларини ташкил этиш учун талаб этиладиган экиш материаллари ТАҚСИМОТИ

Т/р	Худудлар номи	Жами	шундан								
			Ёнғоқ		Чинор		Шумтол		Қайрағоч		
			фойдаланишдан чиққан захира ерларга	ўрмон фонди ерларига	фойдаланишдан чиққан захира ерларга	ўрмон фонди ерларига	фойдаланишдан чиққан захира ерларга	ўрмон фонди ерларига	фойдаланишдан чиққан захира ерларга	ўрмон фонди ерларига	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	183,4						74,7	18,3	65,6	24,9
2	Андижон вилояти	169,9	36,9	9,0	29,7	4,6	37,4	9,1	37,4	5,8	
3	Бухоро вилояти	243,2					56,4	27,4	93,8	65,6	
4	Жиззах вилояти	239,2	55,4	27,1	29,7	5,9	37,4	18,3	56,4	9,1	
5	Қашқадарё вилояти	424,9	138,6	90,2	37,0	7,3	46,5	21,6	65,6	18,3	
6	Навоий вилояти	121,7			22,4	4,6	37,4	10,8	37,4	9,1	
7	Наманган вилояти	200,5	46,3	13,5	44,9	8,6	28,2	10,8	37,4	10,8	
8	Самарқанд вилояти	253,4	64,8	40,6	22,4	11,9	37,4	14,9	46,5	14,9	
9	Сурхондарё вилояти	190,9	27,9	9,0	29,7	7,3	37,4	14,9	46,5	18,3	
10	Сирдарё вилояти	142,8			15,2	7,3	46,5	18,3	46,5	9,1	
11	Тошкент вилояти	390,1	138,6	90,2	22,4	11,9	56,4	18,3	37,4	14,9	
12	Фарғона вилояти	163,9	36,9	10,7	29,7	8,6	37,4	9,1	28,2	3,3	
13	Хоразм вилояти	59,8					28,2	9,1	19,1	3,3	
Жами:		2783,6	545,3	290,3	283,1	77,9	561,1	200,9	617,5	207,5	

Изоҳ: Ёнғоқ кўчати 1 гектарга 6x4 схемада 410 дона, чинор кўчати 1 гектарга 5x3 схемада 660 дона, шумтол кўчати 1 гектарга 4x3 схемада 830 дона, қайрағоч кўчати 1 гектарга 4x3 схемада 830 дона экилиши тавсия қилинади. Худудларнинг жойлашуви ва иқлим шароитига қараб экиладиган кўчатлар миқдориға ўзгартиришлар қилдириш мумкин.

